

XI. ЧАКАНА САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

2019 йил январь-сентябрида чакана товар айланмаси 3823,3 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,7 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами	3823,3	108,7	100,0
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	0,9	61,5	0,1
нодавлат мулки	3822,4	150,1	99,9
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	2139,2	103,9	56,0

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2019 йил январь-сентябрида 1684,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,4 фоизни ташкил этган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-сентябрида ойларида 2139,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,9 фоизга ошган.

2019 йил январь-сентябрида чакана савдо айланмаси таркиби


	<i>млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Чакана товар айланмаси	3823,3	108,7	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	1684,1	115,4	44,0
Якка тартибдаги тадбиркорлик	2139,2	103,9	56,0
<i>шундан:</i> уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	217,5	100,2	5,7

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 120,1 млрд. сўмни ташкил қилди, ёки 2018 йил январь-сентябрига нисбатан 9,3 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умум овқатланиш фаолиятини кўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 7,1 фоизга ошди ва 2033,9 минг сўмни ташкил этди (2018 йил январь-сентябр ойларида 1687,5 минг сўмни ташкил этган).


2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмаси 3823,3 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,7 фоизга ўсди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 484,3 млрд. сўмни (ўсиш суръати 141,9 %), кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 3339,1 млрд. сўмни (ўсиш суръати 105,1%), шундан уюшмаган савдо савдо товар айланмаси 217,5 млрд. сўмни (ўсиш суръати 100,2 %) ташкил этди.

Январь-сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмаси ҳажми, (млрд. сўм)



2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан республиканинг барча ҳудудларида чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари кузатилиб, нисбатан юқори ўсиш суръатлари Нукус шаҳри (ўсиш суръати 112,7%), Шуманай (107,9 %), Қонликўл (107,9 %) ва Тўрткўл (107,8 %) туманларида қайд этилди.

Чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари, (% да)



Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Нукус шаҳри (республика бўйича жами товар айланмаси ҳажмидаги улуши 30,8 %), Беруний (9,4 %), Хўжайли (9,4 %), Тўрткўл (8,9 %) ва Қўнғирот (7,2 %) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.


Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 41,9 фоизга ўсди ва 484,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса умумий савдо ҳажмининг 12,7 % улушига тўғри келади.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми статистик ҳисоб-китобларга кўра, 3339,1 млрд. сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 5,1 фоизга ўсди. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 87,3 фоизга тенг келмоқда.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби, (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)


2018 йил
январь-сентябрь

2019 йил
январь-сентябрь



■ Йирик корхоналар
■ Кичик корхоналар

Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар ва кичик тадбиркорликнинг улуши, (%)



■ Кичик тадбиркорлик
■ Йирик корхоналар

**Кичик тадбиркорлик ва йирик корхоналарнинг
чакана савдо товар айланмасидаги ҳажми**

	<i>йирик корхоналар (млрд. сўм)</i>	<i>ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да</i>	<i>кичик тадбиркорлик (млрд. сўм)</i>	<i>ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да</i>
Қорақалпоғистон Республикаси	484,3	141,9	3339,1	105,1
Нукус ш.	367,2	169,1	809,7	97,9
<i>туманлар:</i>				
Амударё	14,2	81,3	246,2	108,7
Беруний	8,7	87,4	351,8	108,6
Қонликўл	0,2	137,8	99,1	107,8
Қораўзак	0,5	74,6	126,7	106,2
Кегейли	0,5	95,9	80,6	105,7
Қўнғирот	11,5	158,8	262,4	105,4
Мўйноқ	0,5	88,4	26,7	106,1
Нукус	0,4	71,9	70,4	107,4
Тахиатош	17,5	89,6	73,9	111,6
Тахтақўпир	1,0	132,5	97,8	105,8
Тўрткўл	35,5	82,2	306,4	111,8
Хўжайли	8,4	126,1	352,4	106,8
Чимбой	13,4	98,3	141,2	106,5
Шуманай	0,6	116,5	81,9	107,8
Элликқалъа	4,1	153,6	211,8	105,2

2019 йил январь-сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмасида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши бўйича Қонликўл (99,8 %), Қораўзак (99,6 %), Нукус (99,4 %), Кегейли (99,4 %), Тахтақўпир (99,0 %) ва Шуманай (99,2 %) туманларида юкори даражада бўлди.

Чакана товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг улуши 12,7 фоизни ташкил этиб, йирик корхоналарнинг энг катта улуши Нукус шаҳрида (31,2 %), Тахиатош (19,2 %) ва Тўрткўл (10,4 %) туманларида кузатилди.